




Навоий вилояти

Кармана тумани ҳокимлигининг

2015 йил "04" Март

- қарори билан рўйхатга олинган

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
У.Иноятов
2015 йил "16" февраль



М.Ў.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИНИНГ
УСТАВИ**

Навоий вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг У С Т А В И

Мазкур устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш тартиби”га, 2014 йил 15 августдаги 234-сон “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Навоий вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (бундан буён матнда “Институт” деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Институт халқ таълими тизимининг раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи муассаса ҳисобланади.

2. Институтнинг тўлиқ номи: Навоий вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

3. Институтнинг қисқартирилган номи: Навоий вилояти ХТХҚТУМОИ.

4. Таълим тури: кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

5. Таълим фаолияти йўналиши: халқ таълими тизимининг раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

6. Ўқиш шакли: кундузги.

7. Мулкчилик шакли: давлат мулки.

8. Таълим муассасасининг муассиси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади).

9. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур уставга амал қилади.

10. Институт юридик шахс ҳисобланади ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш давлат муассасаси шаклида ташкил этилади.

11. Институтнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Кармана тумани, Тошкент кўчаси 41^а - уй.

Институтнинг электрон манзили: navoiy_moi@xtv.uz

12. Институт халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи таълим муассасаси сифатида мазкур йўналишдаги ўқув, илмий – методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ҳамда ташкилий-методик ишларни олиб боради.

2-боб. Институтнинг мақсад ва вазифалари

13. Институтнинг мақсади:

халқ таълими тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларни эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳоратини ошириш, уларнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб боришларини таъминлаш, уларни давлат таълим стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништиришдан иборат.

14. Институтнинг асосий вазифалари:

раҳбар ва педагог ходимларни касбий лаёқат ва маҳоратини янада ошириш, янги билимлар бериш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет глобал тармоғидан самарали фойдаланишга ўргатиш;

раҳбар ва педагог ходимларнинг ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш ва бошқаришни назорат қилиш ҳамда таълим олувчилар билимларини баҳолаш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

раҳбар ва педагог ходимларни таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, илмий тадқиқотларга интилиш, ижодий маҳорат ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

педагогика ва методика бўйича билимларини ошириш;

халқ таълими муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш.

15. Институт зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги шакллардан фойдаланади:

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режа, дастур, ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг самарали шаклларини жорий этиш, илмий ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида раҳбар ва педагог ходимларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ошириш;

раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни, шунингдек энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини умумлаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этиш;

раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг ютуқларини мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳамда тарғиб қилиш;

раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича режаларни шакллантириш, уларни ўқитиш учун илмий-тадқиқот институтлари, олий ва бошқа тегишли таълим муассасалари билан шартномалар тузиш;

16. Институт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмуни ва самарадорлигини такомиллаштириш бўйича вазирликка, маҳаллий ҳокимият органларига таклифлар билан чиқиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими бўйича дастур, дарслик, ўқув қўлланма, илмий-тадқиқот ишлари тўпламлари, илмий-амалий конференция материаллари, методик кўрсатма ва қўлланмалар тайёрлаш ҳамда чоп эттириш;

институтнинг маънавий эскирган, фойдаланиш муддатлари ўтиб, яроқсиз бўлиб қолган ўқув адабиётлари, жиҳозлари, транспорт ва техника воситалари, асбоб-ускуналарини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқариш;

бюджет маблағлари ва бошқа қонуний манбалардан ишлаб топилган пул маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сарфлаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириб бориш.

17. Институт қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Қуйидагилар институтнинг асосий мажбуриятлари ҳисобланади: тингловчиларнинг мустақил ишлаши учун ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази ҳамда тингловчилар турар жойларидан фойдаланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

вазирлик томонидан тасдиқланган иш режалар, ўқув режа ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан санитария-гигиена меъёрларига ва хавфсизлик қоидаларига мос ҳолда ташкил этиш;

институт мол-мулкининг сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

тингловчиларни шакллантирилган режага мувофиқ тегишли ҳужжатларга асосланган ҳолда қабул қилиш;

давлат бюджетидан ажратиладиган ҳамда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боришдан иборат.

19. Институт зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

3-боб. Институт тингловчилари

20. Институт тингловчилари таркиби мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари, махсус таълим муассасалари раҳбар ва педагоглари, шунингдек бошқа мутахассис ходимлардан ташкил топади.

21. Таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари учун уч йилда камида бир марта, педагог ходимлар эса беш йилда камида бир марта малака оширадилар.

22. Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфида таълим муассасалари бўлган идоралар, нодавлат таълим муассасалари халқ таълими муассасалари ходимларини ўқитишнинг буюртмачиси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) сифатида навбатдаги календарь йилида малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича раҳбар ва педагог ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси ўқув юртини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стаж, иш жойи, лавозими, охириги марта малака оширган вақти ва малака ошириш курси тоифаси ҳамда малака ошириш вақтини кўрсатган ҳолда институтга буюртмаларни тақдим қиладилар.

23. Институт мазкур буюртмалар асосида йиллик режани шакллантиради ва вазирлик томонидан тасдиқлангандан сўнг малака ошириш курсларини ташкил этади.

24. Буюртмачилар мазкур режа асосида ўз тасарруфларидаги халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг институтга ўқишга етиб боришларини таъминлайдилар.

25. Буюртмачилар томонидан малака ошириш курсларига юборилган раҳбар ва педагог ходимлар ўз мутахассисликларига мос равишда институт ректорининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади.

26. Вазирлик тизимидаги муассасаларда фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимлар бюджет маблағлари ҳисобидан, вазирлик тизимида бўлмаган, шунингдек, мулкчиликнинг нодавлат шаклида

фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларнинг раҳбар ва педагог ходимлари эса тўлов-контракт асосида малакасини оширади.

27. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг сони 25 нафардан иборат ўқув гуруҳларига бўлинган ҳолда ташкил этилади.

Агар гуруҳга жалб этилган тингловчилар сони 25 нафардан кам бўлса, гуруҳ шаклланмаган ҳисобланади ҳамда мазкур тингловчилар кейинги ташкил этиладиган ўқув гуруҳларига биринчи навбатда қабул қилинади.

28. Институт тингловчиларининг ҳуқуқлари қуйидагилар:

малака оширишнинг ҳар хил шакл ва турларидан фойдаланиш;

институт профессор-ўқитувчилари ва маъмуриятига ўқув жараёнини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш, фаолиятини такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритиш;

илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда иш шакллари юзасидан қўшимча маълумотлар, маслаҳатлар олиш;

ўзларининг касбий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий билим савияларини чуқурлаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида мустақил равишда шуғулланиш;

институтда мавжуд бўлган барча ўқув-лаборатория, ахборот ресурслари, соғломлаштириш ва маиший хизмат шахобчаларидан фойдаланиш.

29. Қуйидагилар институт тингловчиларининг асосий мажбуриятлари ҳисобланади:

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, институт устави ва ички тартиб-қоидалари талабларига риоя қилиш;

институт маъмурияти ва ходимларининг қонуний талабларини бажариш;

ўқув режаси ҳамда дастурларида назарда тутилган барча турдаги ўқув ва амалий ишларни бажариш;

ўқув машғулотларига кечикмаслик ва ўз вақтида қатнашиш, сабабсиз дарс қолдирмаслик;

санитария-гигиена талаблари, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

институтнинг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

4-боб. Институтда ўқув жараёнини ташкил қилиш ва илмий-методик фаолият

30. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни намунавий ўқув режалари ва дастурлари асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режалари ва ишчи дастурлар асосида амалга оширилади.

31. Институтда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тўғридан-тўғри (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) ва билвосита (таълим дастурларисиз ўқитиш) шакллари бўйича ташкил этилади.

32. Институтда халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг куйидаги тўғридан-тўғри шакллари қўлланилади:

малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш;

базавий таълим муассасасида ўқитиш;

“Устоз-шогирд” усули бўйича таълим муассасасида ўқитиш;

мустақил ўқиб билим орттириш;

масофадан туриб амалга ошириладиган таълим;

33. Халқ таълими муассасалари ходимлари малакасини оширишнинг билвосита шакллари куйидагилардан иборат:

таълим муассасасининг илмий (педагогик) кенгаши қарорига биноан ижодий таътил;

очиқ ўқув машғулотларида қатнашиш.

34. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тўғридан-тўғри шаклларининг умумий давомийлиги камида 4 ҳафта (144 соат) этиб белгиланади.

Бунда ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 36 соатни (54 академик соатни), аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада 24 соатни (36 академик соатни) ташкил қилади.

Айрим ҳолларда раҳбар ходимлар малакасини ошириш тўғридан-тўғри шаклларининг умумий давом этиш муддати, асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитишда, камида 3 ҳафта (144 соат), аудитория машғулотларининг ва мустақил ишларнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 48 соат этиб белгиланиши мумкин.

35. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

36. Малака ошириш асосий ишидан ажралган ва ажралмаган, масофадан туриб ўқитиш усуллари қўлланилган ҳамда ўз билимларини мустақил оширган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

37. Малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотлари тасдиқланган намунавий ўқув режалари ҳамда дастурларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибига олган блок-модулли ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади.

38. Малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни амалдаги қоидаларга мувофиқ тузиладиган ҳамда институт ректори томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади.

39. Малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, ишчанлик ўйини, имитация дарси, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади. Айрим ўқув машғулотларини илғор таълим муассасалари негизида ташкил этиш мумкин.

40. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат

топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга кўйилади.

41. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига институт ректори рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

42. Институт ректорининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат якуний тест синовлари ва малака ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

43. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга кўйилмайди, тегишли равишда уларга малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берилмайди.

44. Малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратларни муваффақиятли топширган тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берилади.

45. Институтда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими муассасаларида (мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим ва бошқа муассасаларда) фаолият олиб бораётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларнинг қўшимча ихтисослик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари асосида шакллантиришдан иборат.

46. Институтда қайта тайёрлашнинг қуйидаги турлари амалга оширилади:
педагогик қайта тайёрлаш;

касбий қайта тайёрлаш.

47. Педагогик қайта тайёрлаш олий маълумотли нопедагог мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури давлат таълим стандарти (давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

48. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан таълимнинг тегишли тури давлат таълим стандарти (давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Таълим дастурларининг мазмуни ва ўқитишнинг қанча давом этиши Давлат талабларида кўрсатилган тартибда белгиланади. Қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтган раҳбар ва педагог ходимларга белгиланган намунадаги диплом берилади.

49. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг раҳбар, педагог ёки мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш институт билан бевосита тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

50. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш тегишли таълим дастурлари асосида:

институтда ўқитиш;

қисман институтда ва қисман мустақил ўқиб билим орттириш;

қисман институтда ва қисман масофадан туриб таълим олиш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

51. Институтда ўқитиш буюртмачининг яқка тартибдаги топшириғи ёки аниқ йўналтирилган дастур асосида, Давлат талабларига, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар бўйича амалга оширилади.

52. Институтда ўқитиш 2+2 ёки 3+1 схемалари бўйича (тегишли равишда 50 ёки 75% – яшаш жойида мустақил равишда билим орттириш, 50 ёки 25% – бевосита институтда) ташкил этилиши мумкин.

Ўқитишнинг бундай шакллари ахборот узатишнинг замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш бўйича махсус виртуал курслар, яъни масофавий таълимни амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади. Қайта тайёрлаш мазкур шаклда ташкил этилган курсларнинг камида тўртдан бир қисми, яъни 144 соати бевосита таълим муассасасида ўтказилиши шарт.

Қайта тайёрлашнинг институтдаги қисми ишлаб чиқаришдан ажралган (таътил даври ва ишдан бўш вақтларда ишдан ажралмаган) ҳолда ташкил этилади.

53. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув машғулотлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва вазирлик томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режалар ҳамда дастурлар асосида ташкил этилади.

54. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни намунавий ўқув режаларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз таркибига олган блоклардан иборат блок-модулли ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади. Блоклар ва улардаги модуллар сони намунавий ўқув режадага жами ўқув соатларидан келиб чиқиб белгиланади ва бунда блокдаги жами соатлар миқдори 36-48 соатни ташкил этади.

55. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув жараёни амалдаги қоидаларга мувофиқ тузиладиган ва институт ректори томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

56. Қайта тайёрлаш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар ва бошқа шаклларда олиб борилади. Айрим ўқув машғулотларини илғор таълим муассасалари негизида ташкил этиш мумкин.

57. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга кўйилади.

58. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига институт ректорининг рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Мазкур имкониятдан ҳам фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

59. Институт ректорининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат якуний тест синовлари ва битирув ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

60. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга кўйилмайди, тегишли равишда уларга қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилмайди.

61. Қайта тайёрлаш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратдан муваффақиятли ўтган тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилади.

62. Қайта тайёрлаш курси таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича қониқарсиз баҳо олган шахсларга якуний аттестация комиссияси ҳулосалари асосида камида 1 ойдан сўнг битирув ишини қайта ҳимоя қилиш имконияти берилади.

63. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг масофавий шакли бўйича курслар вазирлик билан келишилган ҳолда, махсус виртуал курслар фаолият кўрсатадиган, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун зарур база билан жиҳозланган ҳамда тегишли моддий-техникавий, ўқув-методик базага ва ходимлар салоҳиятига эга бўлган таълим муассасаларида ташкил этилади.

64. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг масофавий шакли бўйича курсларга юқори малакали, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини зарур даражада қўллаш кўникмаларига эга бўлган ходимлар қабул қилинади.

65. Масофавий шакл бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш институт профессор-ўқитувчилари таркибидан институт ректорининг буйруғи билан бириктириладиган тьютор (ўқитувчи-консультант) томонидан амалга оширилади.

Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, якка тартибдаги машғулотни бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш тьюторнинг вазифаларига киради. Тьютор якка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилиши ҳолисона баҳоланиши учун жавоб беради.

Тьютор билан алоқа электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, тьютор билан алоқа контакт-сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин (курснинг ўқув режасида белгиланган муддатларда).

Ҳар бир тьюторга кўпи билан 25 нафар тингловчи бириктирилади.

66. Масофавий шакл бўйича ўқитиш тармоқли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитишнинг “кейс-технология”сини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

67. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг масофавий шакли бўйича ўқитиш курсларига қабул қилинган тингловчига институт томонидан ўқув-методик ашёлар (курс бўйича йўриқнома, ўқув қўлланмалари, яқка тартибдаги топшириқлар, малакавий ишларни бажариш бўйича тавсиялар, электрон мультимедия дарсликлар ва қўлланмалар, шунингдек, бошқа зарур ўқув-методик материаллар жамланмаси) жойланган курс кейси берилади.

68. Масофавий шакл бўйича курс тингловчилари ўқув режаларига мувофиқ таълим муассасасининг веб-саҳифаларида (ёки бошқа махсус веб-ресурсларида) жойлаштирилган модулларнинг ўқув-методик материалларини мустақил равишда ўзлаштирадilar. Жадвал бўйича яқка тартибдаги топшириқлар (тест, реферат, ишланма, ёзма иш, курс иши, амалиёт бўйича ҳисоботлар ва шу кабилар) топширилгандан кейин модулларни ўзлаштириш натижалари тьюторга, оралиқ тест-назорат натижалари таълим муассасасининг махсус комиссиясига топширилади.

69. Масофавий шакл бўйича ташкил қилинган курс тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат турларида (оралиқ, якуний) ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Оралиқ назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний назоратга қўйилади.

70. Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига институт ректори томонидан қайта топширишга рухсат берилиши мумкин. Мазкур имкониятдан фойдалана олмаган тингловчи тингловчилар сафидан четлаштирилади.

71. Институт ректорининг буйруғи билан якуний назоратни ўтказувчи махсус комиссия ташкил этилади. Якуний назорат якуний тест синовлари ва малака (битирув) ишини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

72. Масофавий шакл бўйича оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга қўйилмайди, тегишли равишда уларга малака ошириш (қайта тайёрлаш) курсларини тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат, диплом) берилмайди.

73. Масофавий шакл бўйича ташкил қилинган курс дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний назоратдан муваффақиятли ўтган тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат, диплом) берилади.

74. Тингловчи курсдан четлаштирилганда, унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек бу ҳақда уни ўқишга юборган бююртмачи ташкилотга институт томонидан маълум қилинади.

75. Институтда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

институт томонидан амалга ошириладиган ички назорат (кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича оралик назорат ва бошқалар);

курснинг ўқув режасидаги ўқув модуллари бўйича аттестациядан ўтказишни (чиқиш тести), малака ошириш курси тингловчилари учун – малака иши ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун – битирув иши ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат;

вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга ошириладиган ташқи назорат.

76. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган халқ таълими ходимларига тегишли равишда давлат намунасидаги қўйидаги ҳужжатлар берилади:

малака ошириш тўғрисидаги сертификат – камида 4 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларини ўзлаштирган педагог ва камида 3 ҳафта (144 соат) ҳажмида таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган раҳбар ходимлар учун;

қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом – камида 16 ҳафта (576 соат) ҳажмида таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштиригандан сўнг якуний аттестация натижасига кўра раҳбар ва педагог ходимлар учун.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги диплом ва сертификат белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

77. Институт ишини ташкил этиш ва унинг тартиби институтнинг ички тартиб-қоидаларида белгиланади.

78. Институтда ўқитиш давлат тилида ёки тегишли таълим муассасасининг таълим дастурларида назарда тутилган тилларда амалга оширилади.

5-боб. Институтнинг таркибий тузилиши

79. Институт таркибий тузилишига 6 та кафедра, 6 та бўлим, 2 та марказ, бухгалтерия ҳамда ҳуқуқшунос киради.

80. Кафедралар бевосита институтнинг ўқув-методик ишлар бўйича проректори ва институт ректорига бўйсунди.

81. Кафедраларда бир ёки бир нечта турдош фанлар ва йўналишлар бўйича ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий, маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширади.

82. Кафедра таркибига педагог ходимлар тоифасига кирувчи кафедра мудири, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимлар.

83. Кафедралар институт Илмий кенгашининг тавсиясига асосан вазирлик билан келишилган ҳолда институт ректори буйруғи билан ташкил этилади ва тугатилади.

84. Кафедранинг тузилиши ва унинг штатлари вазирлик билан келишилган ҳолда институт ректори томонидан тасдиқланади.

85. Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

Давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ тузилган ўқув режаларига фанлар бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш, таълим сифатини таъминлаш;

илмий-методик ишларни амалга ошириш, халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ишчи ўқув-мавзу режа ва дастурларини, маъруза матнлари тўпламларини, тингловчиларнинг малака (ижодий) ва битирув ишлари мавзуларини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этиш;

дарслик, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатма, қўлланма ва дарс ишланмаларини тайёрлаш, ўқув-методик материалларни кафедра йиғилишларида муҳокама қилиш ва хулосалар тузиш;

таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

худуддаги таълим муассасаларидаги илғор тажрибаларини оммалаштириш, уларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш, вилоят методика маркази ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари билан фан олимпиадалари, педагогик ўқишлар, конкурслар, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ўтказишда ҳамкорлик қилиш;

конференция ва семинарларни ташкил этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий-амалий конференция ва семинарларда иштирок этишини таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларни белгиланган муддатда малакасини ошириш бўйича таклифлар бериш;

илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ижодий таътилга чиқиши бўйича институт Илмий кенгашига таклифлар киритиш;

илғор педагогик технологияларни яратиш ва уларни апробациядан ўтказиш бўйича тажриба-синов ишларида иштирок этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида педагогик технологиялар ва инновацион услубларни татбиқ қилиш, аниқлаш ва амалиётга жорий этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш;

ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий техника воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларида ташкил қилиш, масофали ўқитиш шаклларини ривожлантириш.

86. Институт таркибидаги куйидаги кафедралар раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

а) Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг ўқув ишлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, мактаб амалиётчи психологлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи (Хорижий тил асосларидан ташқари) ўқув модуллари, шунингдек, барча тоифадаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Педагогиканинг долзарб масалалари”, “Психологиянинг долзарб масалалари” ва “Мулоқот маданияти” ўқув модуллари бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказди.

б) Ижтимоий – иқтисодий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг Миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар, тарих, Давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари ўқитувчилари, халқ таълим муассасалари Ахборот-ресурс марказ (кутубхона) лари раҳбар ва ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи (Хорижий тил асосларидан ташқари) ўқув модуллари, шунингдек, барча тоифадаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Иқтисодиёт масалалари”, “Ҳуқуқ масалалари”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” ва “Долзарб мавзулар” ўқув модуллари бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказди.

в) Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, мусика раҳбарлари ва жисмоний тарбия инструкторлари, махсус таълим муассасалари ва “Меҳрибонлик уйи” тарбиячиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари”

блокига кирувчи (Хорижий тил асосларидан ташқари) ўқув модуллари бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказади.

г) Тил ва адабиёт таълими кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг она тили ва адабиёт (ўзбек, рус ва қардош тиллар), ўзбек (Давлат) тили, рус тили (таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган синфларда), хорижий тиллар (инглиз, немис, француз ва бошқалар) ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи ўқув модуллари, шунингдек, барча тоифадаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш курсларида “Хорижий тил асослари” ўқув модули бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказади.

д) Табиий ва аниқ фанлар таълими кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг биология, география, кимё, физика, математика ва информатика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи (Хорижий тил асосларидан ташқари) ўқув модуллари, шунингдек, барча тоифадаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш курсларида “Ахборот технологиялари” ўқув модули бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказади.

е) Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим кафедраси профессор-ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия, меҳнат таълими, мусиқа маданияти, тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мутахассис ўқитувчиларини, “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Мутахассислик фанлари” блокига кирувчи (Хорижий тил асосларидан ташқари) ўқув модуллари бўйича машғулотларни ташкил этади ва ўтказади.

87. Ўқув жараёнини ташкил этиш бўлимининг вазифалари кўйидагилардан иборат:

институтда ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув машғулотлари жадвалини тузиш, тингловчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, ўқув жараёнини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда ўтишини ва дарс соатларининг бажарилишини назорат қилиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари гуруҳ журналларининг юритилишини ва тўғри расмийлаштирилишини назорат қилиш, уларни юритишда курс раҳбарларига методик ёрдам бериш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш ва курсларни тугатганлиги ҳақидаги буйруқлар лойиҳасини тайёрлаш;

уларга бериладиган маълумотнома, сертификат (диплом)ларни расмийлаштириш;

малака ошириш курслари тингловчиларига белгиланган тартибда сертификатлар ва маълумотномалар берилишини ташкил қилиш;

институт профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилган педагоглар томонидан ойлик ўқув юктамаларининг бажарилиши юзасидан институт раҳбариятига тегишли маълумот тайёрлаш;

кафедралар томонидан институтда ташкил этилган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ишчи ўқув-мавзу режалари ва ўқув дастурларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

ўқув-методик ишлар бўйича проректор билан келишган ҳолда уларни институт ректори тасдиғига киритиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш учун шароит яратиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш;

ўқув, амалий ва лаборатория машғулотларининг юқори савияда ташкил этилишини назорат қилиш;

доимий равишда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ва малака ошириш тоифалари кесимида малака ошириш режаларининг бажарилишини таҳлил қилиш ҳамда маълумот тайёрлаш.

88. Ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими бевосита ўқув-методик ишлар бўйича проректор ва институт ректорига бўйсунди.

89. Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш марказининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

халқ таълими ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ўқитиш курслари таълим дастурлари ва ўқув материалларини тегишли кафедра ва бўлимлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг тўпламини шакллантириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ўқитиш курслари тингловчиларининг ҳужжатларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида расмийлаштириш;

ўқув жараёнини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда ўтишини ва дарс соатларининг бажарилишини назорат қилиш;

халқ таълими ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ўқитиш курслари ўқув жараёни жадвалини тузиш ва ўқув курсларини ташкил қилиш;

тегишли кафедралар билан ҳамкорликда малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ташкил қилинадиган курсларга жалб қилинувчи консультант ўқитувчилар - тьюторлар томонидан ўқув юктамаларининг бажарилиши юзасидан институт раҳбариятига маълумотлар тайёрлаш;

тьюторларни танлаш, уларга техник ва методик ёрдам беришда қатнашиш ҳамда уларнинг ишини назорат қилиш;

тингловчиларнинг контакт сессияларига қатнашиш давомати ва уларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш;

тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, зарур методик ёрдам бериш ва топшириқларни бажарилишини ҳолисона баҳолашни назорат қилиш;

тингловчилар билимини баҳолаш ва уларга сертификат беришни ташкил қилиш;

халқ таълими ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли бўйича ташкил этиладиган курслари мониторингини олиб бориш.

90. Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази бевосита ўқув-методик ишлар бўйича проректор ва институт ректорига бўйсунди.

91. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими жараёнини мониторинг қилиш ва сифатини баҳолаш бўлимининг вазифалари кўйидагилардан иборат:

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари билан ҳамкорликда вилоят миқёсида таълим муассасаларининг педагогик кадрлар билан таъминланишини аҳволини ўрганиш ҳамда уларнинг қайта тайёрлаш ва малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга ошириладиган ташқи назорат таҳлиллар натижаси бўйича аниқ чоратadbирлар белгилаш ва уни амалга оширишда кафедраларга амалий, методик ёрдам кўрсатиш;

институтда ташкил этилган курсларда тингловчилар томонидан тоифалар бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйилган Давлат талабларининг бажарилишини таҳлил қилиш, унинг натижалари асосида таълим самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

курс битирувчилари орасида махсус тузилган аноним анкета сўровлари асосида таҳлиллар ўтказиш, натижалари ҳақида ишлаб чиқариш йиғилишларида мунтазам ахборот бериб бориш;

вилоятдаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган халқ таълими ходимлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш ҳамда янгилаб боришини таъминлаш;

вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ошириш бўйича тақдим этилган буюртмаларни умумлаштириш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда институтнинг келгуси календар йилига

мўлжалланган ва истиқболдаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш режалари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги вилоят методика маркази, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари билан ҳамкорликда халқ таълими ходимларининг малака оширишдан кейинги касбий фаолияти мониторингини олиб бориш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида эгалланган билимлар ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари, якуний аттестация ўтказиш тартиби, таълим жараёни сифатини баҳолаш мониторинги механизмларини амалга ошириш;

институт кафедралари билан ҳамкорликда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўтказиладиган якуний аттестация учун тест саволлари базасини яратиш ҳамда уларнинг янгиланиб боришини назорат қилиш;

институт кафедралари билан ҳамкорликда тингловчилар билимларидаги бўшлиқларни ва бошқа муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

курслар якунида ўтказиладиган якуний аттестация жараёнини ташкил қилиш ва унга раҳбарликни амалга ошириш;

белгиланган “Вақт меъёрлари” асосида институт профессор-ўқитувчилари томонидан педагогик юклама бажарилишини мониторингини олиб бориш;

институт профессор-ўқитувчилари фаолияти рейтингини аниқлаш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўтказилган таълим сифати мониторинги ҳамда умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган “Билимлар беллашуви” натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кафедраларга етказиш ҳамда уларнинг ижросини назоратга олиш.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими жараёнини мониторинг қилиш ва сифатини баҳолаш бўлими бевосита ўқув-методик ишлар бўйича проректор ва институт ректорига бўйсунди.

92. Илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш бўлимининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

институтда олиб борилаётган илмий-методик ва илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириб бориш;

институтда ўтказиладиган илмий-назарий, илмий-амалий конференция ва семинарлар ишини мувофиқлаштириб бориш;

институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик ҳамда ўқув-услубий материалларни нашр этишга тайёрлаш;

институтда ўтказиладиган конференция ва семинарларнинг материалларини тўплам шаклида умумлаштириш ва ўрнатилган тартибда чоп этишга тайёрлаш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илмий, методик ва амалий муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тажриба-синов ишларини ташкил этиш;

тажриба-синовдан муваффақиятли ўтган илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни институт сайтига жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш;

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги вилоят методика маркази ва халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари билан ҳамкорликда илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни тажриба-синовдан ўтказиш жараёнини мувофиқлаштириш;

фанни ўқитишнинг илмий, методик ва амалий муаммоларини ҳал этишга қаратилган илғор тажрибалар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кафедралар билан биргаликда семинарлар, тренинглар, очик ўқув машғулотлари ташкил этиш;

ўқув фани бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот йўналишлари ва мавзуларини белгилаш;

республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган фундаментал ва амалий тадқиқотлар танловларига қатнашувчи талабгорларнинг ҳужжатларини тайёрлаш;

институтда халқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш борасида олиб бориладиган ишларни мувофиқлаштириш.

93. Илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш бўлими бевосита маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор ҳамда институт ректорига бўйсунди.

94. Ахборот ресурс марказининг вазифалари қуйидагилардан иборат: институт ахборот-ресурс марказининг истиқбол ва жорий режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш;

ахборот ресурс марказига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва технологияларни ишлаб чиқишда ва уларни амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш;

электрон каталогдан фойдаланган ҳолда, ахборот-ресурс маркази хизмат кўрсатишининг янги турларидан фойдаланишни таъминлаш;

тингловчиларнинг талабига мувофиқ адабиётлар берилиши ва қабул қилишини амалга ошириш, қониқтирилмаган сўровларнинг таҳлилин олиб боришда унинг йўналиши ва технологиясига мувофиқ равишда ахборот-кутубхона иши жараёнлари билан таъминлаш фаолиятини бажариш;

тингловчиларга библиографик маълумот ва ахборотлар етказиб бериш;

тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш ва тингловчиларга етказиш;

тингловчиларни янги ўқув адабиётлардан индивидуал ва жамоавий тарзда хабардор этиш;

институт курс тингловчиларининг мустақил таълим олишига кўмаклашиш;

институт ходимлари, тингловчилар ва педагоглар жамоаси орасида миллий, маънавий-ахлоқий кадриятларни, халқ таълимининг ютуқлари, илғор таълимий тажрибалар ёритилган манбаларни кенг тарғиб қилиш;

халқ таълими тизимидаги ходимларининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондини шакллантириш;

институтда ахборот-ресурс хизматлари рўйхатини кенгайтириш, уни техник жиҳозлаш бўйича институт ректорига таклиф киритиш;

тингловчилар учун конференциялар, кечалар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

ахборот-ресурс марказига кириш қилинган китоб ва газета-журналларни сақланиши, тингловчиларнинг фойдаланиши учун шароит яратиш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни қатъий таъминлаш.

ахборот-ресурс маркази бевосита маънавий-маърифий, илмий ишлар бўйича проректор ҳамда институт ректорига буйсунади.

95. Бухгалтериянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисобини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

бухгалтерия ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш;

бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш;

институт ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш;

смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

моддий жавобгар шахсларга уларнинг жавобгарлигида турган моддий қимматликларнинг бутлигини сақлаш ва ҳисобини олиб бориш юзасидан тушунтириш ишларини ўтказиш;

моддий қимматликларни олиш учун берилган ишончномаларнинг ҳисобини юритиш ва улардан тўғри фойдаланилишини амалга ошириш;

молиявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

институт ректори тасдиқлаши учун харажат сметаларини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш;

асосий воситалар ҳамда бошқа моддий қимматликларни уларнинг сақланиш ва фойдаланиш жойларида бутлигини таъминлаш;

бухгалтерия ҳужжатларининг, ҳисоб регистрларининг, шунингдек харажатлар сметаларининг сақланишини таъминлаш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш.

96. Кадрлар бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

институт ректорининг кўрсатма ва фармойишларини бажариш;

бўлимнинг иш режаларини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

институтда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини юритиш ва улардаги маълумотларни янгилаб бориш;

ходимларнинг меҳнат таътилларидан ўз вақтида фойдаланишини назорат қилиш, белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

иш жараёнида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларини мукофотлаш ҳамда уларни рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаш юзасидан институт ректорига таклифлар киритиш;

ходимларни меҳнат интизомига риоя этишини назорат қилиб бориш;

бўлимнинг фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш, институтда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

институтда кадрларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишда амалдаги қонунчилик талаблари асосида буйруқларни, шунингдек улар билан тузилган меҳнат шартномаларини расмийлаштириш;

ходимларнинг меҳнат қилиши ва малакасини ошириши учун шарт-шароитлар яратишда, уларни аттестациясини ташкил қилиш ҳамда меҳнат ва ички тартиб қоидаларга риоя қилинишини таъминлашда қатнашиш.

Институт ходимларига тегишли бўлган меҳнат дафтарчаларини юритиш ва уларни сақлашда амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш.

97. Кадрлар бўлими бевосита институт ректорига буйсунади.

98. Ҳуқуқшуноснинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

институт ректорига тақдим қилинадиган буйруқлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш;

институтда ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритиш;

институтда меҳнат ҳақидаги қонунларига риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашиш, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш ва ҳуқуқий хулоса бериш;

институтнинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатиш;

институт ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашиш;

институт ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга таълим муассасаси фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашиш, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар бериш;

мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ва уларни тайёрлашда иштирок этиш;

институтда бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштириш;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар бериш;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда институтнинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашиш, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текшириш, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўйиш;

қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлаш ва имзолаш;

шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, институт

томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритиш;

институтнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва институтга нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашиш, институтда талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб бориш;

институтнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашиш.

99. Ҳуқуқшунос бевосита институт ректорига бўйсунди.

100. Умумий бўлим ва архивнинг вазифалари қўйидагилардан иборат: келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳужжат ижросисига топшириш, жўнатиладиган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш;

ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш ва таҳлил қилиб бориш, улар тўғрисида тегишли ҳисоботларни институт ректорига тақдим этиш;

институт буйруқларини рўйхатга олиш ва ижрочиларга етказиш;

иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш давомида тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келган ариза, таклиф ва шикоятларни ҳисобга олиш, уларнинг ижроси ҳақидаги маълумотларни тегишли жисмоний ва юридик шахсларга юбориш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш, раҳбариятга етказиш ва уларни институт ректори томонидан қабул қилиниши ва тегишли жавоблар йўлланишини қонунда кўрсатилган меъёрлар асосида амалга оширилишини таъминлаш;

архивда ҳисобга олиш ҳужжатларини тузиш ва архивлар, идоравий архивларда йиғма ҳужжатларни тузиш ва уларни “Ўзархив” агентлигига тақдим этиш;

таълим муассасаси архив ҳужжатлари каталогини юритиш;

ҳужжатларнинг келиб тушиш китоби, архив фондларининг рўйхати, архив фонди варағи, архив рўйхати, архив фонди йиғмажилди юритиш;

институт шахсий таркибининг ва муассаса фаолиятига оид бўлган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш.

Умумий бўлим ва архив бевосита институт ректорига бўйсунди.

101. Хўжалик ишлари бўлимининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

институт бинолари ва атроф муҳитини талаб даражада сақлаш;

тасдиқланган иш режаларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиш, молия-хўжалик фаолияти бўйича иш режалари лойиҳасини тайёрлаш;

биноларни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ташкил этиш, ўқув-лаборатория хоналари ва тингловчилар турар жойлари биноларини жиҳозлар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш;

хоналардаги жиҳозларни талаб даражада сақланишини назорат қилиш;

хўжалик ишларига ажратилган маблағ ва хўжалик ашёларини режали сарфланишини назорат қилиш;

биноларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш ва биноларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;

ходимлар ва тингловчилар соғлиги ва хавфсизлигини таъминловчи шароитлар яратиш;

институт ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига раҳбарлик қилиш, ўзига буйсунувчи тегишли бўлинма ҳамда техник хизмат кўрсатувчи ходимлар ишларини назорат қилиш;

таълим муассасаси мулкларини ҳисобга олиш ва сақланишини таъминлаш, яроқсиз бўлганларини ҳисобдан чиқариш, хўжалик объектларини тартибга солиш ва сақланишини таъминлаш ҳамда ўз фаолияти тўғрисида институт ректорига ҳисоботлар тайёрлаш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. Институтнинг педагог ва ўқув-тарбиявий ходимлари

102. Институтда дарс бериш учун республика олий таълим муассасаларининг етук профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, жамғармаларнинг юқори малакали мутахассислари, республикада танилган амалиётчи ўқитувчи ва методистлар, дарслик муаллифлари ва бошқалар амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида ишга жалб қилиниши мумкин.

103. Институт профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари сонининг бир нафар ўқитувчи ҳисобига нисбатининг чекланган меъёрлари таълимнинг тегишли йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига тингловчилар сони нисбатининг чекланган меъёрларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

104. Институт профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришда уларга қўйидаги талаблар қўйилади:

кайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган Давлат талаблари асосида тингловчилар билан ўқув-тарбия ишларини олиб бориш,

тингловчилар билимларини холисона баҳолаш кўникмаларининг мавжудлиги;

юксак шахсий сифатларнинг (талабчанлик, холисоналик, батартиблик, ҳаққонийлик, хушмуомалалик) мавжудлиги;

таълим беришда (ўқитишда) юксак касбий маҳоратга эгаллиги;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илмий-педагогик асосларини, педагогика фанининг асосий йўналишларини, фанлараро алоқаларни, риторика ва нотиклик маҳорати асосларини, узлуксиз таълим атамалари ва тушунчаларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган Давлат талабларини билиш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмасининг мавжудлиги.

105. Институт профессор-ўқитувчиларини ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (танлов) асосида амалга оширилади.

106. Кафедрани одатда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган кафедра мудирини бошқаради ҳамда унга кафедра фаолияти учун шахсий масъулият юклатилади.

107. Кафедра мудирининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

кафедрага раҳбарлик қилиш, унинг истиқбол режаларини белгилаш ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

кафедра профессор-ўқитувчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланиш;

институт буйруқларининг ижросини таъминлаш юзасидан профессор-ўқитувчиларнинг функциясидан келиб чиқиб тегишли топшириқлар бериш;

институтнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа локал норматив ҳужжатлари билан танишиш;

иш берувчидан меҳнат интизомини таъминлаш ва иш ҳақини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;

иш берувчидан хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитларни яратилишини талаб қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлашни талаб қилиш.

кафедра профессор-ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, шунингдек, уларга интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида институт раҳбариятига тегишли таклифларни киритиш.

108. Кафедра мудирининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:
кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режалари ҳамда кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

кафедра педагог ходимларига ўқув юкламаларини тақсимлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

кафедрага педагог кадрларни танлов асосида ишга қабул қилинишини таъминлаш;

институтнинг тегишли хизмат бўлинмаларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашни талаб этиш;

белгиланган тартиб ва муддатларда ўқув йилидаги фаолияти бўйича кафедра ҳисоботини тайёрлаш, Илмий кенгаш ва ректор ҳузуридаги ишлаб чиқариш мажлисларида ҳисобот бериш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш;

кафедра ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларининг бажарилишини назорат қилиш;

илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот базасини яратиш;

ўқув машғулотида замонавий ўқув-техника воситаларидан, яқка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш ишларини амалга ошириш;

кафедра ихтисослиги бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш;

институт ахборот-ресурс марказининг кафедра ўқув фанларига оид янги ўқув, илмий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб борилиши ва янгиланишини доимий назорат қилиш;

кафедра фанлари бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш;

дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётларга хулосалар бериш;

109. Институт профессор-ўқитувчиларининг ҳуқуқлари қўйидагилар иборат:

меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланиш;

таълим муассасасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ҳужжатлари билан танишиш;

иш берувчидан меҳнат интизомини таъминлаши ва иш ҳақини ўз вақтида тўланишини, хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитларни яратилишини талаб қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлашни талаб қилиш.

110. Институт профессор-ўқитувчиларнинг мажбуриятлари кўйидагилардан иборат:

барча ўқув шакллари бўйича Давлат талабларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган маърузалар, лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;

тингловчиларнинг малакавий амалиётига, курс ишларига, малака (битирув) ишларига, шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;

тингловчиларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

ўзига бириктирилган фанлари бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш;

тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш;

ўзига бириктирилган дарс соатларини ўз вақтида ва сифатли ўтишини таъминлаш;

институт ички тартиб қоидаларига қатъий амал қилиш.

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя қилиш.

7-боб. Институтни бошқариш

111. Институт ўз фаолияти бўйича бевосита вазирликка буйсунади ва унга ҳисобот беради.

112. Институтга бевосита раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низом” ҳамда мазкур намунавий уставга мувофиқ фаолият кўрсатадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Институт ректори вазирлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Олий маълумотли, илмий даража ёки илмий унвонга эга, хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни биладиган, камида беш йиллик илмий

ёки педагогик иш тажрибасига эга бўлган шахс институт ректори этиб тайинланиши мумкин.

113. Институт ректорининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

институт фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, қарори ва фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ҳайъати қарорлари ва вазирлик буйруқлари, институтнинг устави асосида институтдаги ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот жараёнини, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш;

корхона, муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузишда институт номидан фаолият юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишончномалар ва ўз иш фаолияти бўйича Халқ таълими вазирлигига ҳисоботлар бериш;

институтнинг Илмий кенгаши тавсиялари асосида ўқув-мавзу режалар, дастурлар, илмий-услубий ишлар режасини тасдиқлаш ва маърузалар, лаборатория машғулоти, илмий-амалий ишларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

институтга ажратилган бюджет маблағларининг белгиланган харажатлар йўналишлари бўйича ишлатилишини таъминлаш;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқариш, ишончномалар бериш;

ғазначилик бўлинмаларида ҳисоб рақамлари ва бошқа банк ҳисоб рақамлари очиш;

самарали меҳнат қилган ходимларни рағбатлантириш, ўз ишига маъсулиятсизлик билан ёндошган, ўзига топширилган вазифаларни ўз вақтида бажармаган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш;

институтда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий ишларни мувофиқлаштириш;

тингловчиларга маиший хизмат кўрсатиш, институт ўқув-методик ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларини амалга ошириш;

институтнинг ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унга ходимлар ва тингловчилар томонидан риоя этилишини тегишли масъул ходимлар билан ҳамкорликда назорат қилиш;

институт меҳнат жамоасида соғлом маънавий-ижодий муҳитни шакллантириш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

114. Қўйидагилар институт ректорининг асосий мажбуриятлари ҳисобланади:

давлатимизнинг халқ таълими тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш;

давлат таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастур ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилишини таъминлаш;

меҳнат қонунчилиги ҳамда жамоада соғлом маънавий-ижодий муҳитни шакллантириш бўйича фаолият юритиш;

дарсларни таҳлил қилиш ва жамоага амалий ёрдам бериш;

таълим методлари, воситалари, меъёрий ҳужжатлари билан ишлашни билиши;

институтнинг устави асосида ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот жараёнини, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиши;

институт ички тартиб – қоидаларига ходимлар ва тингловчилар томонидан риоя этилишини тегишли масъул ходимлар билан ҳамкорликда назорат қилиш;

тингловчиларга маиший хизмат кўрсатиш, институт ўқув-методик ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларини ташкил қилиш ва унинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

115. Институт ректори белгиланган тартибда ва муддатларда аттестациядан ўтказилади.

106. Институтдаги ўқув-методик ишларга раҳбарлик ўқув-методик ишлар бўйича проректорга, маънавий-маърифий ва илмий ишларга раҳбарлик маънавий-маърифий, илмий ишлар бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

Проректорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Проректорлар ўз йўналиши бўйича камида магистр даражасидаги олий маълумотли, хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши, илмий даража ёки илмий унвонга ва беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлиши лозим.

117. Ўқув-методик ишлар бўйича проректорининг ҳуқуқлари кўйидагилардан иборат:

кафедра ва тегишли бўлимларга умумий раҳбарлик қилиш, унинг истиқбол режаларини белгилаш ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

кафедралар ва бўлимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланиш;

институт буйруқларининг ижросини таъминлаш юзасидан ходимларнинг функциясидан келиб чиқиб тегишли топшириқлар бериш;

институтнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ҳужжатлари билан танишиш;

иш берувчидан меҳнат интизомини таъминлаш ва иш ҳақини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;

иш берувчидан хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитларни яратилишини талаб қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлашни талаб қилиш.

118. Ўқув-методик ишлар бўйича проректорининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

институтнинг ўқув ва илмий-методик ишлари устидан раҳбарликни амалга ошириш;

вазирлик билан келишилган ҳолда институтнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича йиллик режасини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

ўқув-мавзу режаларни, дастурларни тайёрлаш, тузиш, уларга тегишли ўзгартириш ва янгиликларни киритиб бориш;

дарсларни таҳлил қилиш ва унинг натижаларини муҳокама қилиш ҳамда ўқитувчиларга методик ёрдам бериш;

кафедра ва лабораторияларга бириктирилган ўқув хоналарини замонавий талабларга биноан жиҳозлашга методик ёрдам бериш ва назорат қилиш;

ўқув жараёнида илғор тажрибаларни қўллаш бўйича хорижий ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини, инновацион ва интерфаол усулларни қўллашни ташкил этиш;

ўқув машғулотлари жадвалларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини ва ўқув режа, ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш;

илғор ижодкор педагоглар ва халқ таълими ходимлари билан методик ишлар олиб бориш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш ишларига раҳбарлик қилиш;

институт профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкнамалари бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш;

институтнинг ўқув жараёни бўйича ҳисоботлари ва ахборотлари мониторингини олиб бориш, ўз фаолияти бўйича юқори ташкилотлардан олинган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

институт ректори таътилда, хизмат сафарида ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган даврда вақтинча унинг вазифасини бажариш.

119. Маънавий-маърифий, илмий ишлар бўйича проректорининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни жорий этиш бўлими ва ахборот-ресурс марказига умумий раҳбарлик қилиш, унинг истиқбол режаларини белгилаш ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

бўлим ва марказ ўртасида вазифаларни тақсимлаш, меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

меҳнат таътилидан ўз вақтида фойдаланиш;

институт буйруқларининг ижросини таъминлаш юзасидан ходимларнинг функциясидан келиб чиқиб тегишли топшириқлар бериш;

институтнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси коидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ҳужжатлари билан танишиш;

иш берувчидан меҳнат интизомини таъминлаш ва иш ҳақини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;

иш берувчидан хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитларни яратилишини талаб қилиш;

иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси коидаларига мувофиқ жиҳозлашни талаб қилиш.

120. Маънавий-маърифий, илмий ишлар бўйича проректорининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишларига раҳбарликни амалга ошириш;

миллий истиқбол ғояси ва маънавият асослари фани бўйича ўқитувчилар учун дарс ишланмалари ҳамда методик қўлланма ва тавсиялар яратиш бўйича ижодий гуруҳга раҳбарлик қилиш ҳамда ушбу фанларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишни янада такомиллаштириш бўйича ташкил этилган мақсадли курсларни назорат қилиш;

институт профессор-ўқитувчилари учун доимий ҳаракатдаги ўқув семинарларни ташкил қилиш;

институтнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг стратегиясини белгилаш ва йўналтириш;

маънавий-маърифий ва илмий ишларнинг мавзу режасини тузиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муаммолари, изланишлар ва ечимларига бағишланган илмий-назарий, амалий конференцияларни ўтказишга, илмий-услубий тўпламларни нашр этишга раҳбарлик қилиш;

кафедраларнинг маънавий-маърифий ҳамда илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириб бориш, кафедралар ва бўлимлар билан биргаликда маънавий-маърифий, илмий, маданий тадбирлар ва анжуманларни ўтказиш;

институтнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий Аттестация

Комиссияси, мамлакатимиз ва чет эл илмий муассасалари билан алоқалари ва ҳамкорлигини таъминлаш;

институт Илмий кенгаш материалларини тайёрлашга раҳбарлик қилиш, институтнинг маънавий-маърифий ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботларини тайёрлаш;

институтда илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

институтда ахборот-ресурс маркази фаолиятини мувофиқлаштириш, ахборот-кутубхона фондини бойитиш ишига раҳбарлик қилиш;

институт фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

121. Институт фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор раислигида Илмий кенгаш ташкил этилади.

Илмий Кенгаш таркиби институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Илмий кенгаш таркибига проректорлар, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари ҳамда етакчи профессор-ўқитувчилар жамоат ташкилотлари вакиллари киритилиши мумкин.

122. Илмий кенгашнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

институт, унинг кафедралари ҳамда бўлимларининг режа ва ҳисоботларини кўриб чиқиш, курсларнинг ишчи ўқув режа ва дастурларини, институт фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсияларни муҳокама қилиш;

кайта тайёрлаш ва малака ошириш самарадорлигини илмий-услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш ва уларни мувофиқлаштириш масалаларини ҳал этиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш;

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ давлат талаблари, ўқув режа ва дастурларнинг қатъий бажарилишини кўриб чиқиш;

кафедра ва бўлимларни очиш, ўзгартириш ва тугатишга боғлиқ масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

дарслик, ўқув қўлланма, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилишга тавсия этиш масалаларини ҳал қилиш;

институтни ривожлантиришнинг жорий (йиллик) ва истиқбол режаларини тасдиқлаш.

Илмий кенгаш қарорлари ректор томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга кирилади.

Илмий кенгаш раиси мунтазам равишда кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича назорат олиб боради ва кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот беради.

123. Илмий кенгаш аъзолари кенгашда муҳокама қилинган масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг тўғри ва аниқ ижро этилиши учун жавобгардир.

Илмий кенгашнинг иш тартиби институт йиллик иш режасига мувофиқ тарзда амалдаги қоидаларга мос ҳолда (мажлислар ўтказиш муддатлари, қарорлар қабул қилиш тартиби, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги шартлари) белгиланади.

8-боб. Жамоат ташкилотлари

124. Институт касаба уюшмаси қўмитаси жамоат ташкилоти ҳисобланиб, унинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

125. Касаба уюшмаси қўмитаси ўқув, илмий-методик, маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, жамоада ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш шaroитларини яхшилаш ва меҳнат имтизомини мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этади.

126. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан институт давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

9-боб. Институтнинг мол-мулки ва маблағлари

127. Институт ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларнинг сарфланишига қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

128. Институт фаолияти давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

129. Қуйидагилар институтнинг мол-мулкени ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

130. Институт аҳолига, турли ташкилотларга пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишга, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган, таълим муассасасининг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган бошқа тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

131. Қуйидагилар институтни молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобланади:

асосий машғулотлардан ташқари пайтда, таълим-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда, бўш турган бино ва иншоотлар, спорт жиҳози ва инвентарларини белгиланган тартибда ижарага беришдан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағлари;
бошқа тушумлар.

132. Педагог ва раҳбар ходимларни мукофотлаш белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

133. Институт моддий-техник базасига унга тегишли бўлган ер майдонлари, бинолар, спорт заллари, коммуникация, машина ва ускуналар, транспорт воситалари ҳамда таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомлар киради.

10-боб. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш

134. Институт қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

135. Институтни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш вазирлик томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

11-боб. Якуний қоидалар

136. Институтнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.